

## Маъруза матни. Ўзбекистон Республикаси солиқ бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ва қонунчиликдаги ўзгаришлар

Мамлакатимиз бюджет-солиқ сиёсатига 2023 йилдан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосан Президентимизнинг 2022 йилнинг 20 август куни республикаимиз тадбиркорлари билан ўтказган очик мулоқотда тадбиркорлик субъектлари учун қулай бизнес шарт-шароитларини ва қулай инвестицион муҳит яратиш бўйича белгилаб берилган тадбирлар, “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси”да кўзда тутилган вазифалар асосида амалга оширилди.

Мазкур ўзгартиришларнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-812-сонли ва «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-813-сонли қонунлари, Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-287-сон Фармони ва “Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-471-сон қарори ташкил этади.

Юқорида қайд этилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида жорий йилдан мамлакатимиз Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар куйидагилани ташкил этади.

Жумладан, Солиқ кодексининг **56-моддасига** киритилган ўзгартиришга мувофиқ, эндиликда **юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фаолият давомида ўзларининг шахсий кабинетларидан фойдаланишлари мажбурийлиги** белгиланди. Яъни, солиқ тўловчининг шахсий кабинети фаоллаштирилганидан кейин то унинг амал қилиши тўхтатиб турилгунига қадар солиқ органлари барча ҳужжатларни солиқ тўловчига фақат унинг шахсий кабинети орқали юборади. Ўз навбатида, солиқ тўловчи ҳужжатларни солиқ органларига худди шундай тартибда шахсий кабинети орқали юборади. Бу эса солиқ тўловчидан шахсий кабинетидан фойдаланишни мажбурийлиги белгилайди.

Кодекснинг **81-моддасига** киритилган ўзгартириш, **солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботи унинг танловига кўра солиқ органлари томонидан тузилиши мумкинлиги** ва солиқ ҳисоботини тузиш ва тақдим

этиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланишини назарда тутлади.

Маълумки, Президентимизнинг 2021 йил 7 сентябрдаги “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6307-сонли Фармони билан 2022 йил январь - июль ойларида эксперимент тариқасида Хоразм вилоятида солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, айланмадан олинандиган солиқ ва юридик шахслардан олинандиган ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботларининг солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилиши ва белгиланган тегишли солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан камида 10 кун олдин солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали юбориши, солиқ тўловчи мазкур ҳисоботини олган кундан бошлаб 5 кун ичида уни тасдиқлаши ёки, агар эътирозлари мавжуд бўлса, уни рад этган ҳолда, солиқ ҳисоботини қайта ишлаб, ўрнатилган тартибда солиқ органларига тақдим этиши белгиланган эди.

Мазкур тартибни энди ихтиёрий равишда республикамизнинг барча ҳудудларида қўллаш тартиби жорий этилди.

Кодекснинг **91- моддасига** киритилган қўшимча билан солиқ тўловчи томонидан ариза тақдим этилмаган тақдирда, у томонидан **ортиқча тўланган, ёки ортиқча ундирилган солиқлар (пенялар, жарималар) суммасини солиқ тўловчи ягона реестридан чиқарилгунга қадар, унинг шахсий ҳисоб варағидан ҳам ҳисобдан чиқарилиши** белгиланди.

Мазкур қўшимчанинг моҳияти шундан иборатки, амалиётда корхона тугатилгунга қадар ёки тугатиш жараёнида тугатувчи-бошқарувчи томонидан мавжуд ортиқча тўловни қайтариш юзасидан белгиланган тартибда ариза билан муурожаат қилинмайди (93 мингта тугатилган корхоналарнинг жами 36 млрд.сўм ортиқча тўловлари мавжуд), солиқ органларида эса мазкур ортиқча тўловни солиқ тўловчига ёки бюджетга олишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмас эди.

Кодекснинг 100-моддасига киритилган қўшимча билан, манфатдор шахсларга солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти кенгайтирилди. Унга мувофиқ, агар манфаатдор шахсда солиқни бир йўла тўлаши оқибатида унинг ночорлиги (банкротлиги) аломатлари пайдо бўлиши хавфи юзага келганда, агар **ўтган йил якунлари бўйича жами даромади ўн миллиард сўмдан ошмаган ва солиқ қарзи юзага келган санадан эътиборан бир ой ичида солиқ органига солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи тўғрисида хабарнома юборган бўлса**, қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўловчиларига нисбатан **солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти** берилди.

Шунингдек, мансабдор шахс мазкур ҳолат бўйича бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятидан календарь йил давомида **бир марта фойдаланаётган бўлса, унда солиқ қарзига олти ой давомида фоизлар ҳам ҳисобланмаслиги**, агар **солиқ қарзи табиий офат, технологик фалокат ёки бюджетдан молиялаштириш кечиктириш оқибатида юзага келган бўлса, солиқ қарзига умуман фоизлар ҳисобланмаслиги** белгиланди.

Қайд этиш жоизки, мазкур имконият устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, ер қаридан фойдаланувчилар ва акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчилар учун назарда тутилмаган.

Кодекснинг **119-моддасига** киритилган ўзгартириш билан юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олинган кундан эътиборан солиқ қарзини ўттиз кун ичида тўланмаган тақдирда, **солиқ қарзини солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш бўйича муддат икки баробарга яъни олтиш календарь кунга узайтирилди.**

Кодекснинг **133-моддасига** киритилган ўзгартириш билан, солиқ мажбурияти пайдо бўлганлиги тўғрисида солиқ органларига маълумотлар тақдим этувчи органлар таркиби, тақдим этиш шартлари ва муддатларини қайта кўриб чиқилди. Унга мувофиқ эндиликда барча лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб таомиллари тўғрисидаги ваколатли органлар тегишли фаолиятни узайтирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, бекор қилинган, қайта расмийлаштирилган ва чақириб олинган ҳужжатларни, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан ваколатли органларга юборилган хабарномалар тўғрисидаги маълумотномаларни ушбу шахслар жойлашган ердаги солиқ органига электрон шаклда **реал вақт режимида** тақдим этиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Илгари, фақат лицензияловчи ва рухсат берувчи органлар, рухсат этувчи ҳужжатларни жойлашган ердаги солиқ органига шундай ҳужжатлар берилганлиги, бекор қилинганлиги, тўхтатиб турилганлиги ёки уларнинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисида тегишли ҳодиса рўй берган кундан эътиборан **ўн кун ичида** маълум қилиши шарт эди.

Кодекснинг **138-моддасига** киритилган ўзгартириш **қўшилган қиймат солиғи салбий суммаси ўрнини қоплаш** учун солиқ органлари томонидан ўтказиладиган камерал солиқ текшируви муддатини икки баробарга, яъни хабардор қилинган кундан эътиборан **олтиш кундан ўттиз кунга қисқартиришни** назарда тутди.

Бундан ташқари юқорида қайд этилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, Солиқ кодексининг махсус қисмига ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

### **Қўшилган қиймат солиғи бўйича**

Кодекснинг **237-моддасига** киритилган ўзгартиришга мувофик эндиликда **давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этиладиган бўлса, улар қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкинлиги белгиланди.** Илгари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қўшилган қиймат солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланмас эдилар.

Шунингдек, жорий йилдан Вазирлар Маҳкамасига: солиқ органларида солиқ тўловчи сифатида махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганлик тўғрисида гувоҳнома бериш;

гувоҳноманинг амал қилинишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, ёки уни бекор қилиш;

гувоҳнома ўз вақтида берилмаганлиги ёки уни бериш рад этилганлиги ёхуд гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги, тугатилганлиги, ёки унинг бекор қилинганлиги, шунингдек, ўз вақтида қайта тикланмаганлиги муносабати билан солиқ органининг қарори устидан шикоят қилиш;

солиқ тўловчи сифатида махсус рўйхатга олиш ҳисобидан чиқариш тартибларини белгиланиши назарда тутилди.

Кодекснинг **243-моддасига** киритилган ўзгартиришларга кўра, **2023 йил 1 апрелдан бошлаб:**

**почта маркаларини (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали оқриткаларни, конвертларни;**

**бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишларини. Мазкур солиқ солишдан озод этиш тегишли молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда қўлланилади;**

**бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар йиллик минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида кўрсатиладиган геология хизматлари;**

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари хизматларини (2023 йил 1 июлдан) қўшилган қиймат солиғи солишдан озод этиш бўйича имтиёзлар бекор қилинди.**

Кодекснинг 158-моддасига киритилган ўзгартиришга мувофик, жорий йилдан **қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди.** Мазкур ўзгартириш туфайли, “илгари масалан декабрь ойида 15 фоизда сотиб олинган товарлардаги қўшилган қиймат солиғи қандай ҳисоб-китоб қилинадиган” деган саволи бўлиши мумкин. Бунда, солиқ тўловчи илгари ҳисобга олинган ҚҚС суммани ўз ҳисоботида белгиланган тартибда ҳисобга олаверади. Лекин, реализация қилаётганда ҚҚСни 12 фоизда ҳисоблайди.

Кодекснинг **166-моддасига** киритилган ўзгартиришга мувофик, агар қатъий белгиланган суммадаги солиқ ставкаси бўйича солиқ тўлашда

**бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса**, солиқ тўловчи бўлмаган шахс солиқ тўловчи сифатида махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйилганда, шунингдек солиқ тўлашдан озод этиш бекор қилинган тақдирда солиқ тўловчи махсус рўйхатга олиш ҳисобига қўйиш (озод қилишни бекор қилиш) санасида ўз балансида мавжуд бўлган товар-моддий захиралар қолдиқларининг ва узоқ муддатли активларнинг баланс қийматида **ҳисобга олинган солиқ суммасини белгиланган шартларга риоя этилган тақдирда, ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди.**

Шунингдек, мазкур модда янги **“Солиқ суммаларини ҳисобга олишнинг айрим ўзига хос хусусиятлари” номли 266<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилиб, унда “гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган, ёхуд бекор қилинган солиқ тўловчи томонидан ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммаси ҳисобга олинмаслиги. Мазкур ҳодисалар юзага келганда, бундай солиқ тўловчига ундан ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммаси унинг харидорларида ҳам ҳисобга олинмаслиги;

гувоҳноманинг амал қилиши қайта тикланган тақдирда гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган санадан эътиборан солиқ тўловчида ва унинг харидорида илгари ҳисобга олинмаган солиқ суммасининг ҳисобга олиниши” белгиланди.

Масалан, корхона ҚҚС гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилгандан кейин 2300 млн. сўмлик шундан 2000,0 млн.сўм товар қолдиғи, 300 млн.сўмлиги ҚҚС товар сотиб олгандатўланган бўлса, ушбу 300 млн.сўмлик ҚҚС суммасини солиқ тўловчи илгари товар нархига киритишга тўғри келарди, эндиликда қонунчиликка киритилган ўзгартиришдан кейин гувоҳнома фаоллашган даврда ушбу 300 млн.сўмни илгари тўлаган ҚҚС суммасини ҳисобга оши ҳуқуқи пайдо бўлади.

Шунингдек Кодекснинг **269-моддасига** киритилган қўшимчага мувофиқ, агар, қатъий белгиланган суммадаги солиқ ставкаси бўйича солиқ тўлашда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича илгари ҳисобга олиш учун қабул қилинмаган солиқ суммаси келгусида улардан солиқ солинадиган айланма учун фойдаланилган ҳолларда тузатилиши (ҳисобга олинади) белгиланди.

Кодекснинг **274-моддасига** мувофиқ, агар камерал солиқ текшируви натижаларига кўра, солиқ органи солиқ суммасининг ўрнини тўлиқ ёки қисман қоплаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур солиқ суммасини қайтариш ҳақида солиқ органлари хабардор қилинган санадан эътиборан икки баробарга яъни олтмиш кундан ўттиз кунга камайтирилди.

Масалан, солиқ тўловчи 2023 йил 1 январь ҳолатида пайдо бўлган 500, 0 млн.сўмлик ҚҚС салбий суммасининг ўрнини қоплаш учун 5 январда муружат қилган бўлса, агар солиқ органлари камерал солиқ текшируви натижаларига кўра солиқ органи солиқ суммасининг ўрнини тўлиқ ёки қисман қоплаш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, камерал текширув натижалари билан агар ҚҚС қайтарилиши лозим деб топилса, 500, 0 млн.сўмлик ҚҚС салбий суммаси 5 мартгача қайтарилар эди. Киритилган ўзгартиришга мувофиқ энди мазкур сумма 5 февралгача қайтарилиши лозим бўлади.

Шунингдек, 2023 йил солиқ сиёсати концепциясидан келиб чиқиб, Йирик солиқ тўловчиларга товарларни импорт қилиш чоғида қўшилган қиймат солиғи тўлови ҳисобига қопланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди ва бунинг учун солиқ тўловчи божхона юк декларациясини расмийлаштираётганда қўшилган қиймат солиғи қопланиши лозим бўлган сумма ҳисобидан тўлангани тўғрисида белги қўйиши лозим бўлади ҳамда ҳисобга олиш солиқ ва божхона органлари томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Мазкур қулайликнинг моҳияти шундан иборатки, масалан корхона 2023 йил 10 январдан четдан 10000, млн.сўмлик товар импорт қилди. Божхонада ушбу импорт товар учун 1200,0 млн.сўмлик ҚҚС ҳисобланди. Айти пайтда корхонанинг ҚҚС бўйиса шахсий ҳисоб варағида ҚҚС салбий суммасининг ўрнини қоплаш учун ҳисобга олинган 1500,0 млн.сўм тўлови мавжуд. Киритилган ўзгартиришга мувофиқ, энди корхона ҳисобга олиниши лозим бўлган 1500,0 млн.сўм ҳисобидан, импорт товар учун 1200,0 млн.сўмлик ҚҚС суммасини қоплаши мумкин бўлади.

Мазкур солиқ бўйича, солиқ тўловчиларнинг тоифаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатлари сақлаб қолинди.

### **Акциз солиғи бўйича**

Солиқ ва божхона маъмурчилигини соддалаштириш мақсадида жорий йилдан акциз солиғини тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш тизими бўйича суюқликдаги никотинга эмас балки, суюқликнинг ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби жорий қилинди ва ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкаларини босқичма - босқич тенглаштириш мақсадида, 2023 йил 1 январдан бошлаб, филтрли, филтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретекни импорт қилишда акциз солиғи ставкалари 5 % га пасайтирилди.

Ўз навбатида, 2023 йил 1 февралдан филтрли, филтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретекни ишлаб чиқаришда

абсолют миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари 10%га, шунингдек чилим учун тамаки, чекиладиган ва бошқа тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва импорт қилишда ставкалар 10 % индексация қилиниб, Кодекснинг **289<sup>1</sup>-моддаси** бўйича тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари қуйдаги ҳолатга келтирилди:

Т/р	Тамаки маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари	
		импорт қилинганда	ишлаб чиқариладиган
1.	Филтрли, филтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретек	342 000 сум/ 1 000 дона + 10 фоиз	<b>2023 йил 1 январдан:</b> 203 500 сум/1 000 дона + 10 фоиз <b>2023 йил 1 февралдан:</b> 223 850 сум/1 000 дона + 10 фоиз
2.	Сигара	<b>5 720 сум/1 дона</b>	
3.	Чилим учун тамаки	<b>341 000 сум/кг</b>	
4.	Чекиладиган, ўрама тамаки	<b>341 000 сум/кг</b>	
5.	Чайналадиган, ҳидланадиган, шимиладиган тамаки	<b>341 000 сум/кг</b>	
6.	Қиздириладиган тамаки таёкчаси, қиздириладиган тамакили капсула ва таркибида тамаки бўлган ўхшаш тамойил билан фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар	<b>341 000 сум/кг</b>	
7.	Никотинли тамакисиз снюс	<b>137 500 сум/кг</b>	
8.	Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик (картриджларда, резервуарларда ва электрон сигаретларда фойдаланиш учун бошқа контейнерларда)	<b>605м/мл</b>	

Шунингдек, **2023 йил 1 январдан** алкоголь маҳсулотларини (винолар, пиво, ликёр ва спирт паст бошқа ичимликлар мустасно) ишлаб чиқаришда акциз солиғи акциз тўланадиган маҳсулот таркибидаги **ЭТИЛ СПИРТНИНГ УЛУШИДАН** (миқдоридан) келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқариш тартиби жорий қилинди ҳамда 2023 йилдан акциз солиғи ставкаси акциз ҳисобланадиган товар таркибидаги сув қўшилмаган этил спиртининг 1 литри учун 5 баробарга оширилиб, 34 500 сўм миқдорида белгиланди.

Масалан, ароқ ичимлиги таркибидаги этил спирти улуши 40 фоизни ташкил этганда, 1 литр учун акциз солиғи суммаси 13 800 сўмни (34 500 сўм x 40%), 2023 йилнинг 1 февралдан бошлаб эса индексацияни ҳисобга олган ҳолда – **15 200 сўм** (38 000 сўм x 40%) қилиб белгиланди

Бундан ташқари, ишлаб чиқариладиган алкоголь маҳсулотининг ўлчов бирлиги эндиликда «литр»да ҳисобланадиган (илгари «дал»да эди)

бўлди Масалан, 2022 йилда ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотларига акциз солиғи ставкаси 1 дал учун 138 000 сўм бўлган бўлса, энди 1 литр учун **13 800 сўм** микдорида белгиланди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкаларини босқичма - босқич тенглаштириш мақсадида, 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб алкоголь маҳсулотларини **импорт қилишда акциз солиғи ставкалари 5 фоизга** пасайтириш ҳамда 2023 йил 1 февралдан **алкогол маҳсулотлари 10 %** га индексация қилиш орқали Кодекснинг 289<sup>2</sup>-моддаси бўйича алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари қуйдаги ҳолатга келтирилди:

Т/р	Алкоголь маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари <i>1 литр учун</i>		
		импорт қилинган да	ишлаб чиқариладиган	
			2023 йил 1 январдан	2023 йил 1 февралдан
1.	Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфиральдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси	70%	7 450 сўм	
2.	Ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари ( <b>акциз тўланадиган товар таркибидаги сувсиз этил спирти 1 литри учун, 3 ва 4- бандлардан ташқари</b> )	106 800 сўм	34 500 сўм	38 000 сўм
3.	Вино:			
	табiiй равишда ачитилган табiiй винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	30 000 сўм	1 сўм	
	бошқа винолар, шу жумладан вермут	42 750 сўм	1 980 сўм	2 200 сўм
4.	Пиво	50%, бироқ 12 800 сўмдан кам бўлмаган	1 380 сўм	1 550 сўм

**Шунингдек, 2023 йил 1 февралдан** нефть маҳсулотлари бўйича акциз солиғи ставкалари **10 фоизга** индексация қилиниб, Кодекснинг 289<sup>3</sup>-моддаси бўйича нефть маҳсулотлари учун акциз солиғи ставкалари қуйдаги ҳолатга келтирилди:

Т/р	Товарлар (хизматлар) номи	Солиқ ставкалари	
		2023 йил 1 январдан	2023 йил 1 февралдан
1.	Нефть маҳсулотлари:		



	<b>Бензин</b>	<b>275 000 сўм/тонна</b>	<b>303 000 сўм/тонна</b>
	авиакеросин (синтетикдан ташқари)	<b>220 000 сўм/тонна</b>	<b>242 000 сўм/тонна</b>
	дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	<b>264 000 сўм/тонна</b>	<b>291 000 сўм/тонна</b>
	ЭКО дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	<b>237 600 сўм/тонна</b>	<b>262 000 сўм/тонна</b>
	дизель ёқи карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	<b>374 000 сўм/тонна</b>	<b>412 000 сўм/тонна</b>
2.	Полиэтилен гранулалар	10%	
3.	Табиий газ, бундан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган газ мустасно	20%	
4.	Якуний истеъмолчига сотиладиган:	<b>2023 йил 1 февралдан бир марта 10 % га индексация қилинади</b>	
	бензин	<b>1 литр учун 385 сўм/1 тонна учун 512 000 сўм</b>	<b>1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 565 000 сўм</b>
	дизель ёқилғиси	<b>1 литр учун 385 сўм/1 тонна учун 468 000 сўм</b>	<b>1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 516 000 сўм</b>
	суюлтирилган газ	<b>1 литр учун 385 сўм/1 тонна учун 730 000 сўм</b>	<b>1 литр учун 425 сўм/1 тонна учун 807 500 сўм</b>
	сиқилган газ	<b>1 куб метр учун 550 сўм</b>	<b>1 куб метр учун 605 сўм</b>
5.	Мобиль алоқа хизматлари	10%	
6.	Хушбўйлаштирувчи ёқи ранг берувчи кўшимчаларсиз оқ шакар	20%	

Нефт маҳсулотлари бўйича акциз солиғини тўловчилар тоифаси, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари сақлаб қолинди.

#### **Фойда солиғи бўйича**

Кодекснинг **311-моддасига** киритилган кўшимчалар, фойда солиғини ҳисоблашда, конда фойдали қазилмаларни қазиб олишда қилинган харажатлар лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномасига ва солиқ тўловчининг

мақсадларидаги ҳисоб сиёсатига мувофиқ руда жисмларининг босқичлари ёки таркибий қисмлари кесимидаги ҳажмларга мутаносиб равишда ҳисобланган амортизация қилинадиган активнинг алоҳида гуруҳини ташкил этиши, ва амортизация ажратмаларининг ҳар йилги суммаси, солиқ тўловчининг хоҳишига кўра белгиланадиган амортизация нормасини қўллаш йўли билан бироқ **тўпланган харажатлар суммасининг 33 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда** ҳисоблаб чиқариши белгиланди.

Хўжалик юритувчи субъектларининг экспорт фаолиятдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида **Кодекснинг 337-моддасига** киритилган ўзгартиришга мувофиқ, эндиликда товарларни (ишларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойда қанча миқдорда бўлишидан қатъий назар бу фойда “ноль” фоизда солиққа тортилиши белгиланди. Илгари жами даромад таркибида товарларни (ишларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойда 15 фоиздан юқори бўлганда “ноль” фоизда солиққа тортилиши белгиланган эди. Ўз навбатида, мазкур меъёр фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидентлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун қўлланимаслиги белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2022 йил 20 августда республикамиз тадбиркорлар билан штказган “очик мулоқоти”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб мазкур 337-моддага киритилган кўшимчаларга мувофиқ агар 2022 йил 1 сентябрдан сўнг илк маротаба фойда солиғини тўлашга ўтган айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар – кейинги йилдан бошлаб бир солиқ даври мобайнида, жами даромад ўн миллиард сўмдан ошмаган бўлса;

ёки, 2022 йил 1 сентябрдан кейин жами даромади солиқ даври мобайнида илк маротаба ўн миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар – жорий солиқ даври ва кейинги солиқ даври мобайнида жами даромад юз миллиард сўмга етгунга қадар белгиланган фойда солиқ ставкасини 50 фоизга пасайтиришга ҳуқуқи берилди.

Масалан, корхонанинг 2022 йил 1 сентябрь ҳолатига айланмаси бир миллиард сўмдан ошиб, умум белгиланган тартибда фойд солиғи тўлашга ўтган ва 2023 йил 1 январгача даромади 5 миллиард сўмни ташкил этган. Мазкур корхона энди 2023 йил дваомида фойда солиғини амалдаги 15 фоиз ўрнига, 7,5 фоизда тўлаши мумкин.

Ёки мазкур корхонанинг 2022 йил 1 сентябрдан кейинги даромади илк маротаба ўн миллиард сўмдан яни 25,0 миллиард сўм бўлган лекин юз миллиард сўмга етмаган ушбу корхона ҳам 2023 йилда фойда солиғини 15 фоиз ўрнига 7,5 фоизда тўлайди. Агар, 2023 йил давомида жами даромади 100,0миллард сўмга етмаса ушбу корхона 2024 йилда ҳам фойда солиғини 7,5 фоизда даромади 100,0 миллиард сўмга етгунга қадар тўлашлиги мумкин бўлади.

Шунингдек, мазкур корхонага яъни 2022 йил 1 сентябрдан кейин жами даромади солиқ даври мобайнида илк марта ўн миллиард сўмдан ошган мазкур ҳолатда, солиқ тўловчи солиқ базасини жами даромаднинг 25 фоиз миқдорида соддалаштирилган тартибда аниқлашлари ҳам мумкин.

Масалан, корхонанинг даромади 2022 йил 1 сентябрдан кейин 20,0 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур корхона фойда солиғини ҳисоблашда солиқ базасини 5,0 миллиард сўм ҳисоблаб ундан 7,5 фоиз миқдорида солиқ тўлаши мумкин бўлади.

Ўз навбатида, мазкур пасайтирилган ствкларни қўллаш тартиби ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи солиқ тўловчиларига, шунингдек солиқ тўловчини тугатиш ҳолатларида ва берилган пасайтирилган солиқ ставкасини қўллаш учун икки ва ундан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ўртасида солиқ тўловчининг товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларини ажратиш (бўлиш) ҳолатлари аниқланганда татбиқ этилмайди.

Кодекснинг **340-моддасига** киритилган ўзгартириш, солиқ тўловчининг кутилаётган фойда суммасидан келиб чиқиб, бўнак тўловлари суммаси тўғрисида маълумотномани солиқ органларига тақдим этадиш муддатини келгуси чорак биринчи ойининг *10 санасидан* **15 санасигача** кўчирилишини назарда тутди.

Шунингдек, қатъий белгиланган суммада солиқ тўлаш жорий этилиши ва ушбу тартибда солиқ тўловчиларнинг дивидендлар тарзида олинадиган даромадларга солиқ солинмаслиги жорий этилганлигидан келиб чиқиб Кодекснинг **343-моддасига** тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Кодекснинг **351-моддасига** киритилган ўзгартиришга мувофиқ, агар норезидент томонидан монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш, ходимларни ўқитиш ва бошқа шу каби хизматлар кўрсатилишини назарда тутувчи асбоб-ускуналар сотиб олиш (сотиш) бўйича халқаро шартномада (контрактда) кўрсатиладиган хизматлар қиймати алоҳида кўрсатилмаган бўлса, **норезидентнинг солиқ солинадиган даромади бундай хизматларнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши** белгиланди. Илгари, норезидентнинг солиқ солинадиган даромади бундай **асбоб-ускуналар қийматининг 20 фоизига тенг деб қабул қилинар** эди.

Кодекснинг 483-моддасига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш фаолиятдан олган даромадлари ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 90 фоизини ташкил этадиган солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан эътиборан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда мазкур фаолият тури бўйича **фойда ва ижтимоий солиқларни 1 фоиз** миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайдилар.

### **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги “Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-377-сон қарори билан ипотека кредитлари ҳисобига уй-жой сотиб олишга йўналтириладиган даромадларни солиқ солишдан озод қилиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан, Кодекснинг 378-моддасида белгиланган яқка тартибдаги уй-жойнинг ёки кўп

каватли уйдаги хонадоннинг қиймати уч юз миллион сўмдан ошмаслиги тўғрисидаги чеклов бекор қилинди ҳамда дастлабки бадал ёки ипотека кредити фоизлари бир қисми учун бюджетдан субсидия ажратилган бўлса солиқ солинмайдиган даромад суммаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **80 бараваригача ёки 73,6 млн сўм (илгари солиқ солинмайдиган сумма 15,0 млн.сўм эди)** қилиб белгиланди. Бунда ёш оила бўлган эр-хотиннинг олган ипотека кредитлари бўйича солиқ имтиёзи эр-хотин ёки улардан бири белгиланган ёшга тўлгунига қадар қўлланилади.

Ўз навбатида, 2023 йил 1 январдан кейин ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган, қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жой фондининг кўчмас мулк объектлари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўттиз олти ой мобайнида бошқа шахсга ўтказилса, солиқ имтиёзини қўллашнинг бутун даври учун солиқ тўлаш мажбурияти тикланди.

Шунингдек 2023 йил 1 апрелдан жисмоний шахсларнинг ҳаётини узок муддатга суғурталаш ҳақини тўлашга йўналтириладиган жисмоний шахсларнинг даромадлари қисмида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган миқдордаги солиқ ставкалари 10 фоизга индексация қилинди ва қуйидаги ҳолатга келтирилди

Т/Р	Фаолият тури	Бир ойлик солиқ ставкалари (сўмда)			
		Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар	Бошқа шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
1	Чакана савдо:				
1.1.	озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари билан	<b>825 000</b>	<b>660 000</b>	<b>330 000</b>	<b>220 000</b>
1.2.	деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан	<b>275 000</b>	<b>165 000</b>	<b>110 000</b>	<b>55 000</b>
1.3.	газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан	<b>275 000</b>	<b>165 000</b>	<b>110 000</b>	<b>55 000</b>
2	Маиший хизматлар	<b>275 000</b>	<b>165 000</b>	<b>110 000</b>	<b>55 000</b>
3	Бошқа фаолият турлари	<b>250 000</b>	<b>165 000</b>	<b>110 000</b>	<b>55 000</b>
4	Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари:				
	3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	<b>165 000</b>			
	3 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	<b>250 000</b>			

**Айланмадан олинadиган солиқ бўйича:**

Кодекснинг **462-моддасига** киритилган ўзгартириш тадбиркорлик субъекти солиқ даври давомида жами даромади **бир миллиард сўмдан ошган** кундан эътиборан шу жумладан, янги ташкил этилган юридик шахслар ва янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар жами даромади **кўрсатилган миқдорга етган кундан эътиборан** қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтилишини назарда тутди. Илгари даромадлари ушбу белгиланган меъёр бир миллиард сўмга етган ойдан кейинги ойдан бошлаб қўшилган қиймат ва фойда солиқларини тўлашга ўтилар эди.

Кодекснинг 467-моддасига киритилган ўзгартириш билан жорий йилдан бошлаб айланмадан олинадиган солиқ ставкалари унификаци қилиниб, солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун **4 фоиз** миқдоридagi ягона ставкани белгиланди. Лекин, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда жойлашган корхоналар учун пасайтирилган солиқ ставкалари **1 фоиз** миқдоридa, бошқа аҳоли пунктларида жойлашган корхоналар учун **2 фоиз** миқдоридa (шу жумладан, электрон тижорат) ва аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда **3 фоиз** миқдоридa сақлаб қолинди.

Шунингдек жорий йилдан айланмадан олинадиган солиқ тўловчиларга ихтиёрий асосда қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни танлаш ҳуқуқи берилди. Бунда жами даромад суммаси **500 миллион сўмдан ошмаганда** йилига **20 миллион сўм** қатъий белгиланган миқдордаги солиқни, жами даромад суммаси **500 миллион сўмдан ошганда** эса йилига **30 миллион сўм** тўлашни танлаши мумкин.

Мазкур ўзгартиришдан келиб чиқиб, Кодекснинг 470- моддаси **470<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиб**, унда қатъий белгиланган суммадаги солиқ ставкаси бўйича солиқ тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилди.

Унга мувофиқ, солиқ тўловчилар қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашга ўтиш тўғрисида ўзи солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органини кейинги ой бошлангунига қадар ўн кундан кечиктирмай белгиланган шаклда хабардор қилади. Бунда, янги ташкил этилган солиқ тўловчилар давлат рўйхатидан ўтиш чоғида қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашни танлаши мумкин.

Қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашга солиқ даври мобайнида ўтилган тақдирда, солиқ миқдори қатъий белгиланган суммани ўн иккига бўлиш ва олинган натижани жорий солиқ даврининг якунига қадар қолган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Масалан, солиқ тўловчининг жами даромади *500 миллион сўмгача* бўлганда у **20 миллион сўм** миқдордаги қатъий белгиланган солиқни танлайди ва ўн икки ойга бўлиш орқали бир ойда **1,6** (20,0 : 12) миллион сўмдан солиқ тўлашга ўтади.

Агар, солиқ тўловчининг жами даромади **500 миллион сўмдан ортик** бўлганда у **30 миллион сўм** миқдордаги қатъий белгиланган солиқни танлайди ва ўн икки ойга бўлиш орқали бир ойда **2,5** (20,0 : 12) миллион сўмдан солиқ тўлашга ўтади.

Агар, солиқ даври давомида қатъий белгиланган суммадаги солиқ тўловчининг жами даромади беш юз миллион сўмдан ошса, у ҳолда қатъий белгиланган суммадаги солиқ суммаси бундай ошиш рўй берган ойдан бошлаб жорий солиқ даврининг охирига қадар жами даромади беш юз миллион сўмдан ортик бўлган солиқ тўловчилар учун белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилади.

Масалан, солиқ тўловчи жами даромади 500 миллион сўмгача бўлгандаги 20 миллион сўм миқдордаги қатъий белгиланган солиқдан ойига 1600, минг сўмдан тўлаб келаётган эди, унинг даромади 2023 йилнинг 15 сентябрида 500,0 миллион сўмдан ошди. Мазкур ҳолатда солиқ тўловчи сентябрь ойидан бошлаб энди декабрь ойи охиригача ойига 2500,0 минг сўмдан солиқ тўлашга ўтади.

Солиқ даври давомида қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашдан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтишда қатъий белгиланган суммадаги солиқ суммаси ушбу солиқларни тўлашга ўтиш амалга оширилган охириги календарь ой ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

Солиқ тўловчилар навбатдаги солиқ давридан бошлаб қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашни рад этишга ва ўзи солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларини навбатдаги солиқ даври бошланишига қадар ўн кундан кечиктирмай хабардор қилган ҳолда, айланмадан олинган солиқни Кодекснинг 467-моддасида белгиланган солиқ ставкалари бўйича тўлашга ўтиши мумкин.

Қатъий белгиланган суммадаги солиқни тўлаш солиқ тўловчиларга қуйидаги қулайликлар кўзда тутилди:

солиқ тўловчининг дивидендлар тарзида олинган даромадларга солиқ солинмайди:

солиқ тўловчи қатъий белгиланган суммадаги солиқ бўйича ҳамда дивидендлар тарзидаги даромадларга тааллуқли қисм бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этишдан;

йиллик молиявий ҳисоботларни солиқ органларига топшириш мажбуриятидан озод этилади.

Лекин, қатъий белгиланган суммадаги солиқни тўловчи қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтишда товар-моддий захираларнинг қолдиқлари ҳамда узоқ муддатли активлар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаларини ҳисобга олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қатъий белгиланган суммадаги солиқнинг солиқ тўловчиси солиқни календарь ойидан кейинги ойнинг ўн бешинчи санасидан кечиктирмай ҳар

ойда тенг улушларда тўлайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-287-сонли** Фрамони билан республикамиздаги барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилди ва уларга 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар солиқ солишнинг қуйидаги табақалаштирилган тартиби жорий этилсин:

- 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари:

**фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз;**

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини мазкур солиқлар бўйича **ҳисобланган сумманинг 1 фоизи** миқдоридаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар мустасно);

- 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган яқка тартибдаги тадбиркорлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг **қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади;**

- 4-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари айланмадан олинадиган солиқнинг базавий солиқ ставкасини 3 фоизда тўлайди. Бунда, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда мазкур солиқ бўйича пасайтирилган солиқ ставкалари сақлаб қолинади;

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига 4-тоифадаги туманлар бўйича:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича Солиқ кодекси билан белгиланган **энг кам қийматларга 0,3 гача;**

яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича **0,5 гача камайтирувчи коэффициент киритиш ҳуқуқи берилди.**

**Мол-мулк солиғи бўйича**, Кодекснинг 415-моддасига киритилган ўзгартириш умумий фойдаланишдаги темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар, консервация қилиниши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектлари бўйича пасайтирилган солиқ ставкаси **0,5 фоиздан 0,6 фоизга** оширилди.

Мол-мулк солиғи бўйича солиқ ҳисоботи солиқ органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириш муддатидан **солиқ ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай**, тақдим этилиши белгиланди. Ўз навбатида, бўнак тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш маълумотнома тақдим этиш муддати **20 январдан кечиктирмай** тақдим этилиши;

бўнак тўловлари ойлик муддати ҳар ойнинг **10 санасидан 20 санасига**, чораклик муддатлари эса чоракнинг охириги ойи **10 санасидан 20 санасига** тўлаш белгиланди.

Шунингдек, жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғининг 2022 йилдаги солиқ ставкалари ўртача **10 фоизга** индексация қилинди ва қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Солиқ солиш объектлари	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (майdonи 200 кв.м гачаларини қўшиб ҳисоблаганда), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар	0,28
2.	Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майdonи: 200 кв.м дан ортиқ ва 500 кв.м гача бўлган	0,37
	500 кв.м дан ортиқ бўлган	0,49
3.	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майdonи 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари	0,37
4.	Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромадлар олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари	1,5

Солиқ юкининг кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасидан **1,3 баравардан** ортиқ миқдордан ошмаслиги бўйича меъёр сақлаб қолинди.

Ўз навбатида, 2023 йилдан яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк



объектларига жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммасини ўтган йилдагига нисбатан чеклашни қўллаш амалиёти бекор қилинади ва **кўчмас мулк объектлари жисмоний ёки юридик шахсга тегишли эканидан қатъи назар, уларнинг функционал вазифасига (нотураар жойлар) қараб тенг солиқ солиш тартиби белгиланди.** Ёки жисмоний шахслар ҳам юридик шахслар каби нотураар кўчмас мулк объектларига 1 кв.метр учун белгиланган миқдордан келиб чиқиб солиқ ҳисоблаш белгиланди.

**Ер солиғи бўйича,** Ер солиғи ставкалари қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича барча ердан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун 2022 йилга нисбатан **10 фоизга** индексация қилинди ва бунда солиқ ставкаларининг аниқ миқдорини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан базавий ставкалар асосида, туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, оширувчи ва камайтирувчи коэффицентларни қўллаган ҳолда аниқлаш тартиби сақлаб қолинди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга солиқ солишнинг тенг шароитларини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган **жисмоний шахсларга нисбатан деҳқон хўжаликлари учун назарда тутилган ер солиғини ер участкаларининг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқариш** ва тўлаш тартиби белгиланди. Бунда ер участкаларининг норматив қиймати, тегишинча, ўртача туман (шаҳар)нинг суғориладиган ёки суғорилмайдиган ери бўйича аниқланади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатларига ўзгартиришлар киритилиб, солиқ ҳисоботи ва юридик шахсда ер участкалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш – жорий солиқ даврининг **20 январидан кечиктирмай** (илгари 10 январгача);

айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўлаш – ҳар чорак учинчи ойининг **20-кунидан кечиктирмай** (илгари 10-кунидан). Қолган солиқ тўловчилар учун солиқни тўлаш муддатлари сақланиб қолади – ҳар ойнинг 10-кунига қадар, бунда улар январь ойи учун **20 январдан кечиктирмай** тўлаш тартиблари жорий этилди.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича,** асосий ўзгартириш жорий йилдан, тадбиркорлик фаолияти ёки даромад олиш учун мўлжалланган нотураар жой мақсадидаги кўчмас мулк объектларига, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга **жисмоний шахслар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш жорий этилди.**

Бунда, жисмоний шахс сувдан тадбиркорлик мақсадида фойдаланса, яқка татибдаги тадбиркорлар учун белгиланган ставкада, агар сувдан

қишлоқ хўжалигини юритиш масадида фойдаланса деҳқон хўжалиги учун белгиланган ставкада солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоблаб чиқарилиши белгиланди.

Шунингдек, жорий йилдан, 2022 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари ўртача **10 фоизга** индексация қилинди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун солиқ тўлашнинг 2 та муддати белгиланади, жорий йил **1 октябрга қадар** – қишлоқ хўжалиги корхонаси ўтган солиқ даврида қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш учун фойдаланадиган сув ҳажми асосида солиқ органлари томонидан аниқланган йиллик солиқ суммасининг **70 фоизи, 15 декабрга қадар** – **солиқнинг қолган суммаси тўлаш** тартиби белгиланди.

Ўз навбатида, солиқ ҳисоботини тақдим этиш, юридик шахслар учун у ҳисобот бериладиган **солиқ давридан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмай** белгиланади (илгари, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддати эди). Солиқ даври учун солиқ, бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда, худди шу муддатда тўлиқ тўланади. Солиқ органлари томонидан солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномасини топшириш, у солиқ давридан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмай тақдим этилиши белгиланади.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича**, жорий йилдан, қора, қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металллар, шунингдек нодир элементлар ва нодир ер элементлари учун қазиб олинган (ажратиб олинган) металлларнинг ҳақиқатда реализация қилиш ҳажми солиқ солиш объекти ҳамда қазиб олинган металлларнинг ҳақиқатда реализация қилиш ҳажми солиқ базаси ҳисобланиши белгиланди.

Шунингдек, газ конденсати бўйича солиқ базаси табиий газ ва нефть учун назарда тутилган тартибга айнан ўхшаш тарзда аниқланиши жорий этилди.

Бундан ташқари, «Netback» механизми қўлланиладиган металллар ва углеводородлар бўйича фискал периметрига аниқлик киритилиб, фойдали қазилмаларнинг ушбу турлари бўйича солиқ базасини аниқлашда қазиб олинган фойдали қазилмаларни ташиш ва қайта ишлаш, шу жумладан қайтариш шарти билан уларга қайта ишлов бериш билан боғлиқ харажатлар суммаси солиқ тўловчи томонидан солиқ органлари билан биргаликда аниқланиши ҳамда мазкур харажатлар суммасига календарь йил якунлари бўйича шунга ўхшаш тартибда тузатишлар киритилиши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-287-сонли** Фармони билан республикамиздаги барча туман ва шаҳарлар **5 та тоифага ажратилди** ва

уларга **2026 йил 1 январга қадар** қуйидаги табақалаштирилган ставкаларда солиқ тўлаш тартиби жорий этилди:

- **5-тоифадаги туманларда** рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари:

- **фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз;**

- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини мазкур солиқлар бўйича **ҳисобланган суммасининг 1 фоизи** миқдоридан солиқ тўлайди (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар мустасно);

- 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган **якка тартибдаги тадбиркорлар** жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг **қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади;**

- **4-тоифадаги туманларда** рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари **айланмадан олинадиган солиқнинг базавий солиқ ставкасини 3 фоизда** тўлайди. Бунда, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда мазкур солиқ бўйича пасайтирилган солиқ ставкалари сақлаб қолинади;

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар **Кенгашларига** 4-тоифадаги туманлар бўйича:

**юридик шахсларнинг мол-мулкига** солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган **ер солиғи** бўйича Солиқ кодекси билан белгиланган **энг кам қийматларга 0,3 гача;**

**якка тартибдаги тадбиркорлар** учун қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича **0,5 гача камайтирувчи коэффициент** киритиш ҳуқуқи берилди.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-812-сонли қонуни.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-813-сонли қонуни;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги «Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-

қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-287-сон Фармони;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-471-сон қарори.

[www.pv.uz/uz/news/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan](http://www.pv.uz/uz/news/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan).